

БАНК ТИЗИМИДА БУХГАЛТЕРИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**Ибрагимов Абдугапур Каримович***Банк-молия академияси “Бухгалтерия ҳисоби
ва аудит” кафедраси профессори***Алимджанова Ойдин Нодировна***Банк-молия академияси магистранти*



Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ривожланишида банклар алоҳида ўрин эгаллайди. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига асосан, “банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш”

Банк фаолиятида, юқорида санаб ўтилган операцияларни бажариш жараёнида пул маблағларининг ҳаракати ва уларнинг манбалари ҳақидаги маълумотларни йиғишида бухгалтерия ҳисоби катта ўрин тутади. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда банкнинг актив ва пассив операциялари режалаштирилади. Банклардаги консолидациялашган молиявий ҳисботларнинг натижаси банкнинг молиявий ҳолатини кўрсатади ва банк раҳбарларига банк ишини ривожлантиришда аниқ чора ва тадбирлар ишлаб чиқишга шароит яратади. Бунда тижорат банки Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади, тегишли операциялар счёtlарда акс эттирилади ва операцияларни амалга ошириш механизми яратилади. Тижорат банкининг хусусиятига кўра бухгалтерия ҳисоби ва кунлик баланс орқали банк ходимларининг кунлик иш жараёнларида ҳамда операцияларни бухгалтерия ҳисобида ва тегишли счёtlарда акс эттириш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборатдир:

- а) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан банк ҳисобида тегишли операцияларни акс эттирилиши ва уларни Қонунчиликка мос келишилиги;
- б) бухгалтерия ҳисобини ва консолидациялашган молиявий ҳисботни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига асосан юритилишини ташкил қилиш;



MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

с) тижорат банкининг ўз амалиётидан келиб чиқиб, қунлик содир бўлган операцияларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва қунлик балансни тузиш;

д) ҳар бир тижорат банклари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб берилган умумий йўриқнома ва низомларга ва молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топган. Ушбу қонундан келиб чиқсан ҳолда банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг методологик асослари қуидагилар ҳисобланади:

1) хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни дастлабки ҳужжатларда акс эттириш;

2) хўжалик операцияларини, банк мулкини пулдаги ифодасини белгилаш;

3) барча операцияларни икки ёқлама ёзув асосида гурухлаш, бунда ёзувларни ҳисобварақлар режасидаги тегишли синтетик ва аналитик счёtlар асосида юритиш;

4) ҳисоб-китоб ва бошқа операциялар бўйича кун охирида якуни бўйича банк молиявий фаолиятига тавсиф бериш, яъни қунлик банк балансини тузиш.

Банкларда бухгалтерия ишини ташкил этиш асослари бўйича қуидаги ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинади:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни;

4. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномаси;

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқа меъёрий ҳужжатлари.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қоидалари “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008-йил 3-майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган йўриқномада батафсил ёритилган.

Ушбу йўриқномада бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, бухгалтерия аппаратининг структураси берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари кўрсатилган, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланишини йўлга қўйиш усуслари тўғрисида кўрсатмалар берилган. Бундан ташқари, бухгалтерияда консолидациялашган молиявий ҳисботларни тузиш ҳамда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига асосланган ҳолда бошқа банк операцияларини бажариш ҳажмлари ва тартиби белгилаб олинади.



MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва консолидациялашган молиявий ҳисботлари олдига бир қатор вазифалар қўйилган:

- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш, мижозларга тез ва пухта хизмат кўрсатиш;
- ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш;
- бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;
- банкдан чиқадиган ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш ва бунинг натижасида бу ҳужжат борган жойда улардан фойдаланишини имкониятини янада кенгайтириш, шунингдек, бошқа банкларда ана шу ҳужжатлар билан операциялар бажарилаётганда ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатилаётган мижозлар ҳисобварақларининг ҳисоби юритилаётганда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоларнинг, гайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- банкдага мавжуд сақланётган пул маблағлари, моддий бойликлар, шунингдек, қатъий ҳисбот бланкаларининг кам чиқин ёки ортиқча сарфлаб юборилишининг олдини олиш;
- тижорат банклари томонидан фаолияти натижасида бажарилаётган операциялар банк мансабдор шахсларининг қонунига зид хатти-ҳаракатлар қилган, моддий бойликлар ва бошланғич ҳужжатлар йўқотиб қўйилган ҳолларда улар жавобгарлигини белгилаш;
- операциялар бажарилиши, расмийлаштирилишининг қонунийлиги ва тўғрилигини кейинчалик текшириш ва маълумотлар олиш имкониятини яратиш;
- банкда иш куни тартибига қатъий риоя қилиш;
- замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг фойдаланиш асосида банк операцияларини бажариш учун меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ти Қонуни. – Т.; 2016-йил
2. Ибрагимов А.К. ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Тошкент:2010. -2726.
3. Тижорат банкларида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари: Дарслик,/А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Хотамов, Н.К.Ризаев. – Тошкент:Иқтисодиёт ва молия, 2020. -560б.
4. Ибрагимов А.К. ва бошқалар. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисбот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография, 2011. -1886.
5. Ибрагимов А.К. ва бошқалар. Халқаро молиявий ҳисбот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.:Молия,
6. Asgeir B. Torfason, Cash flow accounting in banks – a study of practice. Bohus, Sweden, 2014, 320p.

